

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 811.512.133

ИСАҚОВА ЗЕБО МУРОДОВНА

**АЛИШЕР НАВОЙИЙНИНГ «МАЖОЛИС УН-НАФОИС»
АСАРИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКА**

10.02.01 – ўзбек тили

Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2010

Тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети-нинг «Умумий тилшунослик» кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: филология фанлари доктори, профессор
ЮЛДАШЕВ Иброҳим Жўраевич

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори, профессор
ДАДАБОЕВ Ҳамидулла Арипович
филология фанлари номзоди
НОСИРОВ Исҳоқ

Етакчи ташкилот – Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси 2010 йил _____ ойининг ___ куни соат_____ да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК 015.04.02 рақамли фан доктори илмий даражасини бериш бўйича Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100170. Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100170. Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 13-уй.

Автореферат 2010 йил «___» _____ да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, филология
фанлари номзоди

Д. С. Худайберганава

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Алишер Навоий – миллатимиз маънавиятининг шаклланишига, она тилимизнинг равнақиға кучли ва самарали таъсир кўрсатган буюк шахс. Ҳукуматимиз томонидан буюк мутафаккир шахсияти, ижодига бўлган эътибор барча илм-фан аҳлини, хусусан, навоийшунос олимларни унинг асарларини кенг қўламда тадқиқ этиш ва ўрганишга, айниқса, адабиётшунослик ва тилшунослик соҳасида янги тадқиқотлар яратишга даъват этиб, илҳомлантириб келмоқда. Зеро, «она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримизга, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз»¹.

Тилшунослик нуқтаи назаридан қаралганда, Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари лексикаси эски ўзбек адабий тилининг бадиий-тарихий ифодаси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Асар XV-XVI асрлардаги Ўрта Осиё тарихий муҳитини, ижтимоий-синфий гуруҳлар, ижтимоий-сиёсий турмуш тарзини тўлиқ акс эттирган. Ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг турли кўринишлари билан, қайси соҳада фаолият олиб боришидан қатъий назар, ҳар бир мутахассис яқиндан таниш бўлиши лозим. Чунки ижтимоий гуруҳлар, ҳамжамият ва умуман, бутун дунё жамияти мана шундай муносабатлар негизида шаклланади. «Мажолис ун-нафоис» асари орқали ушбу муносабатлар ва уларнинг шаклланиш босқичлари ҳақида маълумотга эга бўлибгина қолмай, балки мазкур жараён тилнинг луғат таркибига қандай таъсир кўрсатганини ҳам кузатиш мумкин. Чунки ижтимоий-сиёсий лексика маданий, диний, тарихий-ижтимоий, иқтисодий-сиёсий каби бош омиллар таъсирида ривожланади ва турли ижтимоий формация, муаррих ва адибларнинг индивидуал услубига кўра ўзига хос маъно касб этади. Шу жиҳатдан тилшунослигимизда ижтимоий-сиёсий лексика лисоний тизимининг моҳиятини, тилнинг турли тарихий босқичларидаги маъно хусусиятларини, қўлланиш доирасини, ҳажми ва чегарасини белгилашда кўплаб мунозарали ҳолатлар мавжуд. Шунингдек, ўзбек тилшунослигида ушбу соҳага оид сўзларнинг тарихий этимологияси, мавзуй-семантик таснифи, қўлланиш доираси, уларнинг луғат таркибида рўй берган ўзгаришларни бугунги кун нуқтаи назаридан қиёсий ўрганиш масаласи анча долзарб бўлиб турганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Зеро, сўзларнинг генетик манбаларга кўра таҳлили ўтмишда миллатлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатлар ҳақида маълумот бериш билан бир қаторда ўзбек тили луғат таркиби, грамматик қурилишининг тарихий шаклланиш йўллари илмий асослашга хизмат қилади. Айтиш мумкинки, «Мажолис ун-нафоис» асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика тадқиқи XV-XVI аср ўзбек адабий тилининг лексик хусусиятларини,

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.47-48.

луғавий бирликларнинг семантик имкониятларини таҳлил этишда, асарнинг илмий-амалий қийматини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳолатлар тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамиятда содир бўлган ҳар қандай воқелик ёки ўзгариш, биринчи навбатда, тилда ўзини намоён этади. Тарихий, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт давомида тилнинг луғат таркиби тадрижий равишда доимо ривожланиб, бойиб боради. Ушбу тараққиёт босқичларини кузатишда, маълум бир тарихий даврга оид лексикани тадқиқ қилишда хорижлик шарқшунослар Л.З. Будаков, В.В. Радлов, Н.А. Баскаков, Э.В. Севортян, Г. Дёрфер ҳамда Ғ. Абдурахмонов, Ш. Раҳматуллаев, Э. Фозилов, Э. Умаров, Э. Бегматов, З. Дўсимов, Б. Бафоев, Ҳ. Дадабоев, А. Матғозиев каби ўзбек олимларининг илмий изланишлари муҳим қийматга эга. Навоий асарларидаги ижтимоий-сиёсий лексика тадқиқига оид айрим маълумотлар Б. Бафоев, Ҳ. Дадабоев, И. Носиров ишларида кузатилади¹. Лекин унинг муайян бир асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика ўзбек тилшунослигида махсус тадқиқот объекти бўлган эмас.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари лексикаси аввал ҳам тилшунос олим И. Носиров томонидан тадқиқ қилинган. Диссертация кириш ва 2 бобдан ташкил топган. Тадқиқотнинг «Кириш» қисмида тазкиранинг ёзилган вақти ва форс-тожик тилидаги таржималари ҳақида фикр юритилган. 1-боб асарнинг лексик-семантик таҳлиliga, 2-боб «Мажолис ун-нафоис» лексикасининг стилистик (услубий) хусусиятлари таҳлиliga бағишланган².

Диссертация мавзуси тадқиқот ишимиз мавзусига яқин бўлса-да, И. Носировнинг илмий ишида муайян соҳа эмас, балки асар лексикаси умумий планда тадқиқ қилинган. «Мажолис ун-нафоис» устида олиб борилган мазкур илмий ишимиз эса асардаги ижтимоий-сиёсий лексикани махсус тадқиқ этишга қаратилган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тилшунослиги ва Умумий тилшунослик кафедраларининг «Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари» мавзусидаги истиқболли режаси асосида амалга оширилди. Мавзу Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгашининг 2006 йил 26 январдаги йиғилишида 6-рақамли баённома билан тасдиқланган, ОАК Бюллетенининг 2006 йил 6-сонида чоп этилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ишнинг асосий мақсади Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида қўлланган ижтимоий-сиёсий лексикани лингвистик таҳлил қилиш ва умумлаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

¹ Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 138 б.; Дадабоев Ҳ. Алишер Навоий асарларидаги ижтимоий-сиёсий терминларнинг эски туркий обидалар лексикасига муносабати // Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган илмий конференция тезислари. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 68-69; Насыров И. Лексика «Мажолис ан-нафоис» Алишера Навои: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1980. – 180 с.

² Қаранг: Насыров И. Лексика «Мажолис ан-нафоис» Алишера Навои: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1980. – С. 42-43.

– Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика кўлами, мавзуий-семантик гуруҳларини белгилаш ва ушбу гуруҳларга кирувчи сўзларни лексик-семантик аспектда таснифлаш ва тавсифлаш;

– луғавий қатламларни тадқиқ этиш, уларни ўзбек тили тарихий лексикасининг умумий тизими билан қиёслаш;

– ижтимоий-сиёсий лексиканинг тарихий-генетик қатламларини аниқлаш;

– ижтимоий-сиёсий лексика тизимига алоқадор луғавий бирликларнинг семантик-структур таҳлилини диахрон ва синхрон аспектлар асосида амалга ошириш. Бунда уларнинг генеалогик жиҳатдан ясалишидаги ўзига хос хусусиятини эътиборга олиш;

– баъзи сўзларнинг шаклий-маъновий таркибида рўй берган ўзгаришларни, қўлланиш доирасини ҳозирги кун нуқтаи назаридан қиёсий ўрганиш ва таҳлил этиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ишнинг тадқиқ объектини Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика ташкил қилади. Асардан олинган тил фактлари қўйилган муаммонинг тадқиқида материал вазифасини ўтади¹.

Ишнинг методологик асослари ва тадқиқ усуллари. Тадқиқот ишлари тадқиқотнинг фалсафий билиш йўли ҳисобланган гносеологик таълимотнинг таянч тушунчалари асосида тавсифий, қиёсий-тарихий, семантик, тарихий-этимологик, контекстуал таҳлил каби методларга мурожаат қилинган ҳолда олиб борилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Тил тараққиёти жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати билан ҳамоҳанг тарзда муҳим ўзгаришларга учраган.

2. «Мажолис ун-нафоис» асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика Алишер Навоийнинг асарлари лексик фондида ўзига хос система сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Унинг тадқиқи кейинчалик бошқа асарлар мисолида ҳам ушбу муаммони ўрганишда муҳим амалий манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

3. Ижтимоий-сиёсий лексиканинг мавзуий-семантик таснифида давлатчиликнинг тарихий асослари ва тарихий манбаларга, сўзларнинг контекстдаги маъноларига алоҳида эътибор қаратиш мазкур соҳа лексикаси кўламини белгилашда, тарихий лексика тадқиқида муҳим ўрин тутди.

4. Асардаги ўзлашмаларнинг таҳлили уларнинг қардош туркий тилларга, жумладан, эски ўзбек адабий тилига кириб келиш сабаблари ва оқибатлари, ёзма обидалар матнига ўзлашиш тамойиллари, омилларини кўрсатиб беради. Этимологик таҳлил ўзбек тилшунослигидаги мазкур соҳа ривожини учун аҳамиятлидир.

5. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика таҳлили эски ўзбек тили луғат бойлигининг структуравий ва сис-

¹ Манба сифатида фойдаланилган нашр: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдли / С. Ғаниева нашрга тайёрлаган. – Тошкент: Фан, 1997. Ж.13. Мажолис ун-нафоис. – 282 б.

темавий хусусиятларини, тараққиёт қонуниятларини, тилнинг бошқа сатҳлари (фонетик сатҳ, грамматик сатҳ) билан алоқасини тадқиқ этишда муҳимдир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

– «Мажолис ун-нафоис» асаридаги ижтимоий-сиёсий лексикага мансуб луғавий бирликлар мавзуий гуруҳларга ажратилган ҳолда кенг таҳлил қилинди;

– Алишер Навоий асарлари луғатига киритилмаган баъзи сўзлар аниқланди ва уларнинг луғавий маъноси таҳлил қилинди. Мазкур луғавий бирликларнинг генетик таҳлилига оид кузатишлар баён қилинди;

– контекстуал таҳлил натижасида Навоий асарлари луғатида мавжуд баъзи лексик бирликларнинг қўшимча маънолари аниқланди ва илмий далиллар асосида кўриб чиқилди;

– асардаги ижтимоий-сиёсий лексика таркибига кирувчи баъзи лексик бирликларнинг частотаси аниқланди;

– асардаги ижтимоий-сиёсий лексика грамматик жиҳатдан таҳлил қилинди;

– Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий лексикадан фойдаланиш маҳорати очиқ берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий хулосалари ижтимоий-сиёсий лексиканинг шаклланиши, тараққиёти, тартибга солиниши каби масалаларни ёритишга, шунингдек, баъзи бир сўзларнинг лексик маъносида юз берган ўзгаришларни аниқлашга ёрдам беради. Диссертацияда тадқиқ қилинган материаллар «Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»ни, «Ўзбек тилидаги ўзлашма сўзларнинг этимологик луғати»ни тўлдиришда, соҳавий луғатлар тузишда, олий ўқув юртлари филология ва тарих факультети талабаларига махсус курслар ўқитишда қўл келади. Шунингдек, изланиш натижалари тил тараққиётини диахрон аспектда ўрганаётган тадқиқотчилар учун илмий манба сифатида хизмат қилади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг илмий натижаларидан олий ўқув юртлари филология факультетида 5141100 – Ўзбек тили ва адабиёти бакалавриат йўналиши бўйича таълим олувчиларга «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Ўзбек адабий тили тарихи», «Тилшунослик асослари» фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Умумий тилшунослик», «Ўзбек тилшунослиги», «Ўзбек тили тарихи ва шарқ тиллари» кафедраларининг 2009 йилнинг 31 март куни ўтказилган қўшма йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган. Тадқиқот иши 2009 йил 23 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК.015.04.02 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда (18-рақамли баённома) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган. Тадқиқот натижалари юзасидан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (2007-2009), Республика ташхис маркази (2007), Республика таълим марказида (2007) бўлиб ўтган илмий-назарий ан-

жуманларда, «Ўзбек тили» доимий X анжуманида (2009), Республика ёш олимлар конференцияларида маърузалар қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни республика илмий журналларида ва илмий тўпламларда эълон қилинган мақолаларда, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ўтказилган олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг анъанавий илмий-назарий анжуманлари материалларида ўз аксини топган. Иш юзасидан 4 та мақола, 2 та тезис эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар, адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 153 саҳифани ташкил этади. Иловалар 16 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Илмий тадқиқот ишининг «**Кириш**» қисмида ижтимоий-сиёсий лексика тадқиқи ҳамда «ижтимоий-сиёсий лексика» таърифи масаласига эътибор қаратилган. Лексик қатлам тилдаги ўзгаришларга нисбатан жуда таъсирчан. Албатта, бунда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришларни назардан соқит қилиб бўлмайди, чунки экстралингвистик омиллар таъсирида луғавий меъёрларнинг янги ижтимоий-сиёсий ва услубий талабларга кўра қайта шаклланиши, ўз имкониятларини шароитга мос равишда қайта қуриши, мослашиши кузатилади. Натижада тил луғат таркибининг янги номинатив воситалар билан бойитиш эҳтиёжи юзага келади. Бу эҳтиёжга уйғун равишда тилда янги сўзлар пайдо бўлади, баъзиларининг маънолари, қўлланиш доираси ўзгаради, баъзи сўзлар историзмлар каторидан жой олади. Ижтимоий-сиёсий тизим тараққиёти тилнинг луғат таркибига қай даражада таъсир кўрсатганини ўрганиш, луғавий бирликларнинг функционал-семантик тавсифини бериш, эскирган, янги ва замонавий қатламларини, тематик гуруҳлари ва микросистемаларини аниқлаш, лисоний ва услубий хусусиятларини ёритиш ижтимоий-сиёсий лексика олдида турган муҳим вазифалардан саналади.

Гарчи ижтимоий-сиёсий лексика тадқиқи борасида эътиборга молик бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да¹, унинг таърифи ва таркибига оид муаммо ўз ечимини топмаган. Айрим тилшунослар ижтимоий-сиёсий лексикага «ижтимоий синфлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий

¹ Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати / О. Усмон таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1976. – 350 б.; Крючкова Т.Б. Особенности формирования и развития общественно-политической лексики и терминологии. – М.: Наука, 1989. – 151 с.; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991. – 186 с.; Яцутко Д. Новая заимствованная общественно-политическая лексика в языке российских СМИ. – 2001. – www.teneta.rinet.ru; Общественно-политическая лексика современных монгольских языков. – www.vipdisser.com; Бантышева Л.Л. Общественно-политическая лексика начала XX века: традиции изучения // Политическая лингвистика. Выпуск (1)21. – Екатеринбург, 2007. – С. 13-18. Холмонова З. «Бобурнома» лексикаси. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.91-114.; Ўразбоев А.Д. Огаҳийнинг «Риёз уд-давла» асарида ижтимоий-сиёсий лексика: Филол. фан. номзоди ... автореф. – Тошкент: 2009. – 25 б. ва б.

муносабатларни ифодаловчи лексик бирликлар йиғиндисидан дея таъриф берса (В. Бахнер), бошқалари мазкур тўпламга тарихий жараёнлар номини ҳам киритишни маъқул кўришади (Ж. Марселлези). Яна баъзи тилшуносларнинг илмий-тадқиқот ишларида ижтимоий-сиёсий лексика жамиятга алоқадор бўлган барча лексик бирликлар йиғиндисидан иборатлиги қайд этилган (Н. Militz)¹. Шунингдек, «ижтимоий-сиёсий лексика» ва «ижтимоий-сиёсий терминология» тушунчаларидан маънодош сифатида фойдаланиш ҳоллари ҳам кузатилади². Ижтимоий-сиёсий соҳага оид луғавий бирликларни диахрон аспектда терминологик нуқтаи назардан ўрганган Ҳ. Дадабоев ижтимоий-сиёсий терминология лексиканинг фаол қўлланилувчи қатламларидан бири бўлиб, у маълум бир тарихий формацияни белгилаб берувчи тарихий-ижтимоий, иқтисодий-сиёсий, маданий, диний каби бош факторлар таъсирида шаклланиши ва ривожланишини таъкидлайди³. Ижтимоий-сиёсий лексика ва ижтимоий-сиёсий терминология ўртасидаги ўзаро муносабат нимага асосланади? Баъзи бир олимлар ижтимоий-сиёсий терминологияни ижтимоий-сиёсий лексиканинг бир қисми деб ҳисоблашади⁴. Терминлар фан, техника ва бошқа соҳаларга оид тушунчаларни аниқ ифодалаб, ишлатилиш доираси шу соҳалар билан чегараланганлигини эътиборга олсак, юқоридаги қараш бир мунча мунозарали эканлигини кўришимиз мумкин. Жамият таракқиётидаги маълум бир даврларда у ёки бу соҳа терминологиясининг муайян бир тор доира кўламадан чиқиб, умумхалқ нутқида ҳам кенг фойдаланиш ҳолатлари учрайди. Хусусан, Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари орқали ижтимоий-сиёсий терминологияга оид кўплаб терминларнинг ўша давр адабий тилининг чегараланмаган қатламига сингиб бориб, оммавий нутқда кенг кўламда қўлланганлиги кузатилди. Шунга кўра ижтимоий-сиёсий лексиканинг ривожланишини кўрсатиб берувчи қуйидаги босқичлар ажратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг номланиши, адабий тилда қўлланиши, сўзлашув тилига ўтиши, миллат томонидан ўзлаштирилиши.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, ижтимоий-сиёсий лексика – қўлланиш соҳаси, услубий белгиси, келиб чиқиши каби турли жиҳатлари ижтимоий-сиёсий характердаги воқеликларни ўзида акс эттирган луғат таркибининг ўзгарувчан гуруҳидир. У жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, маънавий-маърифий ва мафкуравий фаолиятлар жараёнида ижтимоий гуруҳлар, этник ва ижтимоий қатламлар, синфлар, миллатлар, халқлар, давлатлар, мамлакатлар ўртасида вужудга келган хилма-хил алоқалар ва муносабатларни ифодаловчи лексик бирликлар йиғиндисидан ташкил топган. Ижтимоий-сиёсий лексика жамият аъзоларининг меҳнат жа-

¹ Қаранг: Крючкова Т.Б. Особенности формирования и развития общественно-политической лексики и терминологии. – М.: Наука, 1989. – С. 8.

² Қаранг: Бантышева Л.Л. Общественно-политическая лексика начала XX века: традиции изучения // Политическая лингвистика. – Екатеринбург, 2007. – №21 (1). – С. 16.

³ Қаранг: Дадабоев Ҳ. Алишер Навоий асарларидаги ижтимоий-сиёсий терминларнинг эски туркий обидалар лексикасига муносабати // Алишер Навоий туғилганининг 550 йиллигига бағишланган илмий конференция тезислари. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 68.

⁴ Бурычок А. А. Формирование социально-политической лексики. – Киев, 1983. – С. 20-22.

раёнида, уларнинг ўзаро бир-бирлари билан муносабатларида, жамият ишларига фаол аралашувида, халқаро муносабатларда шаклланади. Ижтимоий тузум, мафкуранинг ўзгариши, жамиятнинг ривожини ижтимоий-сиёсий лексика тараққиётида муҳим ўрин тутди.

Ишнинг биринчи боби «**«Мажолис ун-нафоис» асаридаги ижтимоий-сиёсий лексиканинг мавзуий гуруҳлари**» тадқиқига бағишланган. Ҳар бир мамлакатнинг сиёсий тизимида ҳал қилувчи бўғин вазифасини давлат бажаради. «Давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: 1) давлат ҳокимияти (мажбурлаш, бошқариш аппарати)нинг мавжудлиги; 2) аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги; 3) суверенитет; 4) ҳуқуқ ижодкорлиги (қонун чиқаришга қодирлик); 5) солиқ сиёсати; 6) умуминсоний вазифаларни бажариш (ҳудудни қўриқлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ш.к.)»¹. Ижтимоий-сиёсий соҳага оид лексик бирликларни мавзуий гуруҳларга ажратишда давлатнинг мана шундай белгилари, ўрта асрдаги ижтимоий жараёнлар таркиби, тизимига хос бўлган хусусиятлар ҳисобга олинди.

Давлат бошқарувига оид лексик бирликлар мавзуий гуруҳи ишнинг биринчи бўлимида таҳлил этилди. Асарда қўлланган ижтимоий-сиёсий соҳа лексик бирликларининг аксарияти ўша давр темурийлар ҳукмронлиги тарихини акс эттирувчи тарихий манбалар матнида келтирилган луғавий бирликлар тизимига муайян даражада мос тушади. Уларни қуйидаги кичик гуруҳларга ажратиш мумкин:

а) давлатнинг бош ҳукмдори ва ҳукмдор ворислари номлари. Асарда мазкур тушунчани ифодалаш мақсадида *хоқон* (خاقان), *қоон* (قآن), *шоҳ* (شاه), *подшоҳ* (پادشاه), *ҳукмрон* (حکمران) каби лексик бирликлардан бир-бирига маънодош сифатида, айрим ўринларда эса фарқланган ҳолда фойдаланилган. Мазкур лексемаларнинг «Мажолис ун-нафоис»даги қўлланиш частотаси контекстуал таҳлил қилинганда Навоий уларнинг тарихий даврлар маҳсули эканлигига эътибор берган ҳолда матн руҳига мос қўллагани кузатилди. Хусусан, *шоҳ*, *хон* ва *хоқон* луғавий бирликлари, асосан, бадиий услубга хос лисоний восита сифатида эмоционал мазмунни ифодалашда иштирок этганлиги аниқланди: «*Бу хисрави гардунжоханиким, насаби бобида хома сурсам юз минг хон ва хоқонни бу жузви мухтасарда йиғиштурса бўлурми?*» (173). Шунингдек, Алишер Навоийгача бўлган эски ўзбек адабий тилида маъно таркибида муайян хусусийлашув жараёни юз берган *хон*, *хоқон* лексемалари маъно оттенканинг хусусийликдан умумийликка томон силжиши кузатилди. Навоий *хон* (кичикроқ давлатнинг мутлақ ҳукмдори) ва *хоқон* (йирик давлатнинг мутлақ ҳукмдори, улуғ хон) сўзларини темурий ҳукмдорларга нисбатан фарқлаган ҳолда қўллаган. Асарда *хоқон* луғавий бирлигининг фақат Амир Темур ва унинг ўғли Шохруҳ Мирзога нисбатан қўллангани унда *хонга* нисбатан улуғлаш, эҳтиром маънолари устун эканидан далолат беради: «*Мулуқ шажарларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, хоқони жаҳонгири со-*

¹ Фалсафа: комусий луғат / Масъул муҳаррир: Қ. Назаров. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 99.

ҳибқирон, яъни Темур Кўрагон...» (163); «*Хоқони Саид Шоҳруҳ Мирзоким, авлоди ва амжоди орасида соҳибқирон отасининг қойим мақоми бўлди*» (164).

Султон (سلطن) луғавий бирлиги куйидаги маъноларни ифодалашга хизмат қилган: «подшоҳ, ҳукмрон; подшоҳ ва подшоҳзодалар номига қўшиб айтиладиган унвон»¹; «ҳукмронлик, кудрат; рад этиб бўлмайдиган далил; лашкарбоши (форсларда)»²; «баъзи мусулмон мамлакатларида VIII асрдан бошлаб ишлатилган подшо унвони: XI асрда Ўрта Осиёнинг кўпгина феодал давлатларида подшолар унвони; Ҳиндистон ва Индонезияда айрим князликлар ҳокимларининг унвони»³. Шунингдек, «*ҳукмрон, султон*» маъноларида султон луғавий бирлиги Хоразм ёдгорликларида ҳам кенг қўлланилган. Профессор Ҳ. Дадабоев ўз илмий изланишларида бу сўз дастлаб А.К. Боровков томонидан тадқиқ этилганлигини таъкидлаган⁴. Мўғуллар истилоси даврига султон луғавий бирлиги Такаш томонидан ташкил қилинган Олд ва Ўрта Осиёдаги мустақил давлат ҳукмдорига нисбатан, мўғул ҳоконлигининг емирилишидан сўнг Ўрта Осиёдаги Чингизхон авлодидан бўлган ҳукмдорларга нисбатан қўлланган. Асарда мазкур луғавий бирлик подшоҳ, ҳукмронлар номига қўшиб айтиладиган унвон сифатида қўлланган: «*Султон Искандар Шерозий ҳам набирадур*» (165).

Энг юқори частотали *подшоҳ* лексемаси мамлакатнинг расмий ҳукмдорида нисбатан муомалада бўлган. Мазкур луғавий бирлик семантик нуқтаи назардан *хоқонга* тенг бўлган (қадимий форс тилида پاد – улуғ, буюк + شاه – ҳукмрон)⁵.

Навоий шоҳларга нисбат беришда, шунингдек, *султон ус-салотин* (سلطان اسلاطين), *султон соҳибқирон* (سلطن صاحبقران), *подшоҳи замон* (پادشاهى زمان), *хоқони жаҳонгири соҳибқирон* (خاقانى جهانگير صاحبقران) каби сўз бирикмаларидан фойдаланган;

б) давлат идоралари ва амалдорлар номлари. Амир Темур даврида бошқарув икки идора: даргоҳ ва девонларга бўлинган. Азамат Зиёнинг «Ўзбек давлатчилиги тарихи» номли асарида *даргоҳ* ҳақида куйидаги маълумотлар келтирилган: «Даргоҳ – энг олий давлат идораси. Унинг бошлиғи ҳам табиий равишда давлатнинг олий ҳукмдори ҳисобланган»⁶. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида «олий давлат идораси»ни ифодалаш мақсадида *даргоҳ* (درگاه) сўзи билан бир қаторда *девон* (ديوان), *подшоҳ девони* (پادشاه ديوانى), *дор ус-салтанат* (دار السلطنت), *олий остон* (عالى آستان) каби тарихий сўзлар ишлатилганини кўришимиз мумкин.

Темурийлар даврида бир нечта девон фаолият олиб борганлиги тарихий манбалардан маълум. Девонларнинг аҳамияти ва мавқеи шу қадар баланд

¹ Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 576.

² Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. В 2-х т. – СПб., 1869. Т. 1. – С.663.

³ Бекмухамедов Х. Тарих терминлари изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б. 150.

⁴ Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркских письменных памятниках XI-XIV вв. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – С.63.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли / Мадвалиев А. таҳрири остида. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2007. Ж. 3. Н-Тартибли. – Б. 282.

⁶ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 174.

бўлганки, манбаларда баъзан уни *даргоҳ* билан бир маънода таърифлаш ҳоллари ҳам кузатилади¹. Асосан ҳисоб-китоб ишлари олиб бориладиган ушбу давлат маҳкамалари олий мажлисга бўйсунувчи ижроия идоралари бўлиб, улар қуйидагича аталган: *қазо девони* (قضا دیوانی), *дор ул-қазо* (دار القضا), *аморат девони* (امارت دیوانی), *вазират девони* (وزارت دیوانی) ва б. «Мажолис ун-нафоис»да ижроия тизимида фаолият олиб борган амалдорларни ифодаловчи *девонбоши* (دیوانباشی), *мубошир* (مباشر), *муҳр босувчи* (مهرباسوچی), *мирзо* (میرزا), *бек* (بیک), *ҳоким* (حاکم), *ҳукком* (حوککام), *доруға* (داروغه) каби сўзлар қўлланган.

Вазир (وزر) сўзи шоҳ саройида биринчи мансаб эгасини ифодалаган: «Аммо мансаб юзидан ортти, нечукким, ул вазир эрди, бу вазират мансабин тай қилди ва ҳоло аширофи олий мартабасида мутамаккиндур» (140). Навоий асарлари тилига бағишланган деярли барча луғатларда «вазират» луғавий бирлигининг «вазирлик» («вазират мансаби» – «вазирлик мансаби») маъноси қайд этилган. Лекин бу сўзнинг бирикма шаклида «вазирлик маҳкамаси», «вазирлар маҳкамаси бошлиғи» маъноларини ҳам ифодалашини назарда тутишимиз лозим². Асардан олинган мазкур парчада ҳам *вазир* ҳамда *вазират* луғавий бирликлари семантик нуқтаи назардан фарқланган ҳолда қўлланганини кузатишимиз мумкин. Асарда *вазир* «шоҳ амалдори, ҳукмдорнинг яқин сиёсий маслакдоши ва кўмакчиси» маъносида қўлланган бўлса, *вазират* луғавий бирлиги «давлат сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутган мансаб, девонхона бошлиғи; вазирлар бошлиғи»ни ифодалашга хизмат қилган. Ўрта асрларда буюк вазир – *вазири аълам* ҳукумат бошлиғи ҳисобланган ва султон номидан фармонларни эълон қилган, сулҳ шартномаларига қўл қўйган. Кейинроқ ушбу вазифани *садри аъзам* бажарган³;

в) сарой хизматчиларини ифодаловчи сўзлар. *Таҳвилдор* (تحویلدار), *маҳрам* (محرم), *модих* (مادح), *мулозим* (ملازم), *маҳсус мулозим* (مخسوس ملازم) каби сўзлар ушбу кичик гуруҳ доирасида таҳлилга тортилди.

Биринчи бобнинг иккинчи бўлими **давлатчилик тизими лексикаси** таҳлилига бағишланган. Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган давлатчилик тизими фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, бунга қарши турган кучларнинг қаршилигини синдирувчи ҳокимият органлари, сиёсий ташкилотлар, давлат муассасалари ва уларга оид йўналиш, иш-фаолият мажмуидан иборат бўлиб, жамият тараққиёти жараёнида асрлар давомида секин-аста такомиллашиб борган⁴. Ушбу бўлимда мазкур жараёнларга алоқадор *мустағний* (مستغنی), *ворис* (واريث), *маврусий* (موروثی), *тавлият* (تولیت), *закот* (ذکات), *муаддий* (مؤدی); *сюрғол* (سویرغال), *авқоф* (اوقاف), *сила* (صله), *туҳфа* (تحفه), *шаръийёт* (شرعیات), *дорулқазо* (دارولقضا), *ҳукм* (حکم), *маҳкама* (محکمه), *фиқҳ* (فقه), *даъво* (دعوا), *қози* (قاضی), *синаҳ // сипоҳ* (سپه), *черик* (چریک), *навкар* (نوکر), *чухра* (چوهره) каби лексик бирликлар таҳлилга тортилди.

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 176, 398.

² Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М. Русский язык, 1989. – С. 885.

³ Қаранг: Бекмухамедов Х. Тарих терминлари изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б. 27.

⁴ Қаранг: Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 172.

Биринчи бобнинг учинчи бўлимида **дипломатик лексика** таҳлил қилинган. Амир Темур ва темурийлар даврида ташқи сиёсий-дипломатик алоқалар изчил равишда олиб борилганини биламиз. Худди мана шу ҳолат дипломатия соҳасига оид сўзларнинг ривожланиши ва тараққий этишига туртки бўлди. Асарда мазкур соҳага оид *қабул* (قبول), *ишорат* (إشارة), *руқъа* (رقعه), *элчилик* (ایلچلیک), *қонунийлик* (قانونیلیк) каби луғавий бирликлар таҳлилга тортилди.

Манбаларда қайд этилишича, айрим шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва шу кабиларнинг долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган норасмий фаолияти *халқ дипломатияси* деб аталади¹. «Мажолис ун-нафоис» асарида қўлланган ижтимоий-сиёсий соҳага оид сўзлар тадқиқи жараёнида мана шундай фаолият билан боғлиқ баъзи луғавий бирликларга дуч келдик. Шу сабабли *омизиш* (آمیزش), *илтифот* (التفات), *ҳиммат* (همت), *ихтилот* (اختلاط), *иршод* (ارشاد), *мададкорлиғ* (مددکارلیغ), *тақарруб* (تقرب), *супориш* // *сипориш* (سپاریش) каби лексемалар «Халқ дипломатияси лексикаси» деб номланган тематик гуруҳга бирлаштирилди.

Ижтимоий-сиёсий бирлашма шаклларининг номлари бобнинг тўртинчи бўлимида таҳлилга тортилди. Ҳар бир давлат ва давлатчилик моҳиятида ётган ташкилотчилик муайян бир макон ва жамиятдаги мавжуд турли имкониятларни шу ерлик халқ манфаати йўлида юзага чиқаради. Халқ ижтимоий бирлашма сифатида катта куч ва салоҳиятга эга. «Мажолис ун-нафоис»да мазкур тарихий бирликларнинг турли шакллари ифодалаш мақсадида *эл* (ایل), *жамоат* (جماعت), *хайл* (خیل), *халойиқ* (خلائق), *улус* (اولوس), *зумра* (زمره), *нақшбандия* (نقشبندیه), *ҳазорастийлар* (هزاراسپیلر), *сарбадорлар* (سربدارلر), *низо-мийлар* (نظامییلر), *сунний мазҳаб* (سنی مذهب), *хуруж мазҳаб* (خروج مذهب) каби лексик бирликлардан фойдаланилган.

Биринчи бобнинг бешинчи бўлимида **аҳолининг ижтимоий қатлами лексикаси** таҳлил этилган. Таъкидлаш жоизки, «Мажолис ун-нафоис» асарида ижтимоий гуруҳни ифодаловчи сўзлар бошқа соҳага оид сўзларга нисбатан катта қисмни ташкил этади. Мазкур луғавий бирликлар қуйидаги маъновий гуруҳларга ажратилган ҳолда ўрганилди:

а) юқори мартаба эгалари номлари: аркони давлат (ارکانی دولت), ҳазрат (حضرت), мавлоно (مولانا), акобир (اکابر), хулафо (خولفا), нақиб (نقیب), раъс (راءس), раис (رایس), пешво (پیشوا) ва б.;

б) диндорлар номлари: мутадаийин (متدین), муттақий (متقی), ҳофиз (حافظ), мулло (موللا), қори (قاری), қурро (قرا), муртоз (مرتاض), сойим (سایم), анбиё (انبیاء), хароботий (خراباتی) абдолваш (ابدالوش) ва б.;

в) зиёлиларни ифодаловчи сўзлар: афозил (افاضل), муарриф (معرف), мударрис (مدرس), котиб (کاتب), нависанда (نویسنده), хаттот (خطاط) ва б.;

г) санъаткорлар номлари: танбурачи (طنبورچی), нақорачи (نقارچی), наққош (نقش), тазҳиб аҳли (تذهیب اهلی) ва б.;

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли / Мадвалиев А. таҳрири остида. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2006. Ж.2. А-Д. – Б. 624.

д) *хунармандлар номлари*: ошпаз (آشپز), ҳолвагар (حالوگر), жомабоф (جامه‌باف), киссадўз (كسه‌دوز), камардўз (كمردوز), хаймадўз (خيمه‌دوز), кафшдўз (كفشدوز), мужаллид (موجلد), кордгар (كاردگر) ва б.;

е) *камбағал ва муте инсонлар номлари*: ниёзманд (نيازمند), гадо (گدا), ғариб (غريب), нотавонлиғ (ئاتوانلىغ), дарвиш/дарвеш (درويش), фақир (فقير), масокин (مساكين) ва б.

Фақир (فقير) сўзининг қўлланиш доираси ҳамда маънолари кўлами бошқа лексик бирликларга нисбатан кенг бўлган. Жумладан, асарда унинг қуйидаги маъноларини учратамиз:

1. Камбағал, ночор: «*Мавлоно Мажнуний Балхда бўлур, фақир кишидур, китобатқина қила олурки, ваъжҳи маош ҳосил бўлғай*» (99).

2. Дарвеш: «*Фақир ва фано тарийқида сулук қилур эрди*» (51).

3. Камина: «*Мавлоно Шоҳ Али – фақирнинг мадрасасида таҳсил қилур*» (104). «Дунёдан воз кечган, тарки дунё қилган» маъноларида, шунингдек, *фақр* (فقر) луғавий бирлиги ҳам қўлланган: «*Ҳоло, фақр аҳлининг пешвоси ва тарийқ хайлининг муқтадоси Паҳлавондур*» (115). Масалага ойдинлик кириштиш мақсадида мазкур луғавий бирликларнинг қўлланиши 1961 йили С. Ғаниева томонидан тайёрланган илмий-танқидий матнга солиштирилди. Таҳлил натижалари *фақр* ва *фақир* луғавий бирликлари ҳам шаклан, ҳам мазмунан бир-биридан фарқланган ҳолда қўлланганини, фонетик шаклларнинг пайдо бўлиши қисқа унлиларнинг ифодаланиши билан боғлиқлигини кўрсатди. Танқидий матнда «дунёдан воз кечган; дарвеш» маъносида *фақр* лексик бирлиги қўлланган: «...امافقرجانبي غالب ايردى»¹. Оммавий нашрда эса айнан шу гап таркибида мазкур лексик бирликнинг *фақир* шаклидан фойдаланилган: «*Аммо фақир жониби голиб эрди*» (68), яъни чуқур тил орқа ундошидан сўнг *и* унлиси орттирилган. *Фақр* луғавий бирлиги «ихтиёрий камбағаллик» тушунчасини ифодалагани ва қаландарларга нисбатан қўллангани ҳақида тарихий манбаларда маълумотлар бор². Фақрлик йўлини тутганлар инсоннинг ички дунёсининг комиллигига, руҳан такомиллашувига асосий эътиборни қаратган, моддий бойликдан маънавий комилликни устун қўйган³. Алишер Навоий *фақир* луғавий бирлигидан «камбағал, қашшоқ; муҳтож, бечора» маъноларида ҳам фойдаланганини юқорида қайд этиб ўтдик. Мазкур луғавий бирлик танқидий матн таркибида ҳам айнан шу шаклда қўлланганини кўришимиз мумкин: «...فقير كشي دور كتابتقينه قله الوركى وجهى معاش حاصل قيلغى»⁴. Таъкидлаш жоизки, *фақир* (فقير) сўзи XI асрларда «эҳтиёжманд; оллоҳнинг марҳамати, раҳмшафқатидан умидвор» маъноларида ҳам муомалада бўлган⁵. Мазкур сўзларнинг қўлланиш частотаси текширилганда Алишер Навоий *фақир* лексик бирлигидан «мен» олмоши ўрнида кўп қўллагани аниқланди:

¹ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Илмий-танқидий матн / С. Ғаниева нашрга тайёрлаган. – Тошкент, 1961. – Б. 66.

² Тримингем Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. – С. 299.

³ Тримингем Дж. С. Кўрсатилган асар, 49-с.

⁴ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Илмий-танқидий матн / С. Ғаниева нашрга тайёрлаган. – Тошкент, 1961. – Б. 60.

⁵ Тримингем Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. – С. 240.

«...فقير تحصيل اوچون سمرقند غمبار غاندا»¹. XVIII-XIX асрларда Бухоро амирлиги ва Афғонистонда *фақир* «граждан» мазмунини касб эта бошлаган, унда дехқонлар назарда тутилган².

Бобнинг олтинчи бўлими **ижтимоий-худудий бўлак номлари** таҳлилига бағишланган. Давлатнинг ибтидоий, уруғчилик жамиятидан ажратиб турадиган асосий белгиларидан бири давлат пайдо бўлган жамиятда фуқароларнинг маълум бир худудга бирлашишидир. Ушбу жараён маъмурий-худудий бўлинишларни вужудга келтирган ва бу бўлаklar маълум бир ном билан аталган. Хусусан, «Мажолис ун-нафоис» асарида ушбу мақсадда *давлат* (دولت), *мулк* (ملك), *билод* (بلاد), *мамолик* (مماليك), *вилоят* (ولايت), *навоҳий* (نواهي), *мавзий* (موضي), *шаҳр* (شهر), *кент* (كينت) каби сўзлардан фойдаланилган. Мазкур луғавий бирликларнинг танқидий матнда қўлланишини таҳлил қилганимизда ижтимоий-худудий бўлак номлари айрим ҳолатларда гап таркибидан тушириб қолдирилганлигининг гувоҳи бўлдик. Хусусан, қуйида таҳлил учун келтирилган танқидий матн таркибидаги *шаҳрга* сўзи оммавий нашрда қўлланмаган: «...علم تحصيلی اوچون شهر غم كيلو بدور»³ – «...илм таҳсили учун келибдур» (86).

Биринчи бобнинг еттинчи бўлимида **турғунлик ва муҳожирликни ифодаловчи лексик бирликлар** мавзуий-семантик жиҳатдан ўрганилди. Маълумки, бирор жойда яшаб кетиш, муқим туриб қолиш ёки ўзи доимий яшаётган мамлакатини ташлаб, бошқа давлатга кўчиб кетиш, аксарият ҳолларда, маълум бир ижтимоий-сиёсий вазиятлар билан боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан, мазкур мавзуий гуруҳга ижтимоий-худудий бўлакда истиқомат қилувчиларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган қуйидаги тушунчалар киритилди: *истиқомат* (استقامت), *ҳазар* (حزر), *сокин* (ساكن), *мусофир* (مسافر), *ғурбат* (غربت), *ихрож* (اخراج) ва б.

II боб «**Мажолис ун-нафоис**» асаридаги **ижтимоий-сиёсий лексиканинг генеалогик таҳлили**» деб номланади.

Маълумки, тилнинг луғат таркиби тарихий тараққиёт давомида ички ва ташқи манбалар ҳисобига бойиб, ривожланиб боради. Мазкур жараён лексик қатламга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бу борада Э.А. Бегматовнинг ўзбек тилининг луғавий қатламлари бўйича эълон қилган илмий ишларидаги назарий қарашлари диққатга сазовордир⁴. Асардаги сўзлар лексик қатламининг таҳлили ижтимоий-сиёсий соҳага оид луғавий бирликларнинг юзага келишига таъсир кўрсатган омилларни, мазкур сўзларнинг таркиб топишидаги асосий жараёнларни, уларнинг луғавий таркибида юз берган семантик ўзгаришларни, қайси тилдан ўзлаштирилганини аниқлашга, шунингдек, Навоий асарлари тилини янада яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Ўз қатлам. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида қўлланган бир нечта луғавий бирликларнинг этимологик тадқиқи орқали асрлар да-

¹ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Илмий-танқидий матн / С. Ғаниева нашрга тайёрлаган. – Тошкент, 1961. – Б.71.

² Бекмуҳамедов Х. Тарих терминлари изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б. 161.

³ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Илмий-танқидий матн / С. Ғаниева нашрга тайёрлаган. – Тошкент, 1961. – Б.104.

⁴ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 200 б.

вомида сўзларнинг товуш тизими ва маъно таркибида рўй берган бир қанча ўзгаришлар кузатилди. Натижада, ўз қатламдаги сўзлар шакл, мазмун ва истеъмол доирасида юз берган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қуйидагича тасниф қилинди: 1) шаклан ва мазмунан ўзгармаган сўзлар (*элчи, тон=, тила=*); 2) шаклан ўзгарган сўзлар (*сотиз, савго, олтун, ўгурлуқ, ўлтур=, ўқумоқ*); 3) архаик сўз сифатида истеъмолдан чиққан луғавий бирликлар (*хон, қазоглиқ, табуғ, битикчи, тархон, ярмоқ*).

Бориш= (بارش) луғавий бирлиги тадқиқот ишимизда «Халқ дипломатияси лексикаси» мавзуй гуруҳига киритилган. «Мажолис ун-нафоис»да мазкур лексик бирлик «ўзаро яқин муносабат; ўзаро алоқа» маъносида қўлланган: «*Аммо шайх халойиқ била яхшилар боришти*» (157).

Манбаларда *бориш*= луғавий бирлигининг қуйидаги маънолари қайд этилган: «1) тинчлик; 2) ярашиш, сулҳ тузиш; 3) келишув», «1) ярашмоқ; 2) битимга келмоқ; 3) бирга яшамоқ, ўзаро яхши муносабатда бўлмоқ; 4) киришимли»¹. Л. Будаков, Ю. Ценкер ва А. Вамбери *бориш*= лексик бирлигини 2 шахс буйруқ майлидаги *бор*= ҳаракат феълининг ҳосиласи сифатида эйтироф этадилар. Л. Будаков *бориш*= феъл шаклининг «бирга юрмоқ, келишган ҳолда ҳаракатланмоқ» маъноларини, Ю. Ценкер «бир-бириникига бормоқ» маъноларини қайд этган². Феълнинг мазкур шакли «бир-бириникига бормоқ; яхши ва мустаҳкам алоқада бўлмоқ» маъноларида дастлаб «Қутадғу билик» асарида учрайди³. Ж. Колсон, *бориш-келиш* жуфт сўзини назарда тутган ҳолда, мазкур луғавий бирликнинг анча олдин қўллана бошлаганини таъкидлайди. Лекин бу қараш бир оз мунозарали, чунки *barışmak* феъли турк тилида XIV асрдан буён мавжуд ҳамда «тил бириктирмоқ, муроса қилиб яшамоқ; кўнгил тўлмоқ» маъноларида бугунги кунда ҳам муомалада. «Бормоқ, етиб бормоқ» маъносидаги феъл эса турк тили тарихининг дастлабки босқичида ҳам, худди ҳозиргидек, *varmak* шаклига эга бўлган⁴.

Ўз қатламда мавжуд бўлиб, архаик сўз сифатида истеъмолдан чиққан *битикчи* лексемаси Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида «котиб, хат-тот» маъносида қўлланганини кўришимиз мумкин⁵. *Битик* терминининг этимологиясини атрофлича тадқиқ қилган И. Йўлдошев мазкур луғавий бирлик «мактуб, хат, ёзув» маъноларини билдирувчи туркий *битмоқ* («ёзмоқ») феълидан ясалганини таъкидлаб, қадимий ёзма ёдгорликларнинг аксарияти кескир қуроллар ёрдамида қоятошларга ўйиб ёзилганини эслатади⁶. *Битмоқ* феълининг асоси қадимги туркий тилда «пичоқ, тиғ, кескир асбоб» маъноси-ни ифодаловчи *би* от шаклидир.

¹ Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков: Общетюркские и межтюркские основы на букву «Б». – Москва: Наука, 1978. – С. 73.

² Будагов Л. З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. В 2-х т. – СПб., 1869. Т.1. – С. 222.

³ Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – С. 84.

⁴ Қаранг: Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков: Общетюркские и межтюркские основы на букву «Б». – Москва: Наука, 1978. – С. 74.

⁵ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдди / С. Ғаниева нашрга тайёрлаган. – Тошкент: Фан, 1997. Ж.13. Мажолис ун-нафоис.– Б.109.

⁶ Қаранг: Юлдашев И. Ж. Ўзбек китобатчилик терминологияси: шаклланиши, тараққиёти ва тартибга солиши. Филол. фанлари доктори ... дисс. – Тошкент, 2005. – Б. 29-42.

Ўзлашма қатлам. Туркий тиллар лексикасидаги ўзлашма сўзлар юзасидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, Х. Дадабоев ўзлашмаларни қуйидаги икки гуруҳга тақсимлаб таҳлил этиш ўзини оқлашини қайд этади:

1) қадимий (исломгача бўлган давр). Бу гуруҳга санскритча, сўғдча ва хитойча унсурлар киритилган;

2) нисбатан янги (исломдан кейинги ва мўғуллар истилоси даври). Мазкур гуруҳдан арабча, форсча-тожикча ва мўғулча ўзлашмалар ўрин эгаллайди¹.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида 1-гуруҳга мансуб ўзлашма сўзлар ниҳоятда кам миқдорда учрайди. Санскритча, сўғдча унсурлар аксарият Навоийгача бўлган ўзбек адабий тили даврига хос. Мана шундай ўзлашмалардан бири ҳинд тилига мансуб *рой* луғавий бирлигидир. Асарда ушбу сўздан «подшоҳ, ҳукмдор» маъноларини ифодалаш мақсадида фойдаланилган: «*Хоқон ва рой анга бир турк ва бир ҳинду бандадур*» (174).

Черик сўзи «кўшин» маъносида истеъмолда бўлган: «...*Черик муътамаддун алайҳи улдур*» (168). Биринчи бор қадимги туркий руник битиклар сирасига қарашли «Кули Чур», «Мўюн Чур» ёдномаларида ишлатилган бу санскритча термин деярли барча манбаларда истеъмол қилинганлиги билан эътиборлидир².

XI-XIV аср туркий манбалар тилида қўлланган ижтимоий-сиёсий терминлар таркибидаги ўзлашмалар Х. Дадабоев томонидан атрофлича таҳлил қилинган, ўзлашиш тамойиллари, омиллари хусусида етарли мулоҳазалар илгари сурилган. Ўзлашмаларнинг эски ўзбек адабий тилига кириб келиш сабаблари ва оқибатлари тўғрисида такроран тўхталмай, Навоий асарида қўлланган нисбатан янги ўзлашма лексемалар ҳақида муайян мулоҳаза юритишни лозим топдик.

Арабча ўзлашмалар. Ўрта Осиё араблар томонидан забт этилгач, сиёсий ҳамда маънавий ўзгаришлар маҳаллий халқлар интеллектуал турмуш тарзининг барча соҳаларига араб тили ва араб маданиятининг кириб келишига замин яратди³. Шуни таъкидлаш керакки, араб тили ўзбек тилига фақат ислом дини тили сифатидагина эмас, балки фан тили, расмий идоравий услуб тили, бадий адабиёт тили сифатида ҳам таъсир этди. Туркий тилларга дастлаб диний, сўнгра ижтимоий-сиёсий, илмий ва маданий соҳага оид арабизмлар кириб келди. Арабча сўзлар нафақат туркий тилларга, балки у билан доимий бирга яшаб келган форс-тожик тилига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида араб тилидан ўзлашган қуйидаги бирликлар қўлланган: *махсус* (مخصوص) – мажлис баёнини махсус дафтарга тушириб боровчи махсус котиб; *қаболжот* (قبالجات) (луғатда *қаболот*) – белгиланган солиқ тўловларини ўз вақтида тўлай олмаганлар учун

¹ Қаранг: Дадабоев Х., Ҳамидов З., Холмонова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 29.

² Дадабоев Х., Ҳамидов З., Холмонова З. Кўрсатилган асар, 29-б.

³ Қаранг: Щербак А. М. К истории узбекского литературного языка древнего периода // Академику В.А.Гордлевскому к его 75-летию. – М.: Наука, 1971. – С.195.

қарздорлик мажбуриятлари акс этирилган ҳужжатлар; *соҳиб ихтиёр* (صاحب اختیار) – сарой ишларида ҳуқуқли, эркили; сарой бошқарувчиси; *даъво* – арз, шикоят, иддао; *маҳалла* – кичик маъмурий ҳудуд; *мунажжим* – астролог; *мураббий* – тарбиячи; *соҳиб* – эга, тасарруф этувчи; *ҳакам* – ҳукм чиқарувчи, судья; *сайид* – Муҳаммад пайғамбар авлодларининг фахрий унвони; баъзи мусулмон давлатларида ҳукмдор унвони; *ҳаводор* – тарафдор ва б. Таҳлиллар диндорлар номини ифодаловчи аксарият арабча ўзлашмаларнинг маъно хусусиятлари Навоий асарлари луғатларида тўлиқ акс этмаганлигини кўрсатди. Хусусан, *ҳабс* (حبس) луғавий бирлигининг «1) қамоқ, зиндон; 2) қамаш, дастгир қилиш»¹ маънолари луғатда келтирилган. Лекин *ҳабис* (حبيس) лексик бирлигининг луғавий маънолари Навоий асарлари луғатида берилмаган. Х. Баранов *ҳабис* сўзининг «1) маҳбус; 2) тарки дунё қилган киши, зоҳид» маъноларини қайд этиб ўтган². Контекстуал таҳлил натижасида мазкур сўз асарда «*тарки дунё қилган киши, зоҳид*» маъносида қўллангани аниқланди: «*Аммо ҳабислар дер эрмишларким, дасторин бу навъ дрнишимандона чирмагунча кўп заҳмат кўрар эркин*» (123).

Форсча ўзлашмалар. Ўрта асрларда форс тилининг нуфузи шу даражада ортдики, араб тили диний адабиётлардагина қўлланган бўлса, ушбу тил фан, адабиёт ва маданият тилига, расмий давлат тилига айланди.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да форс-тожикча қуйидаги сўзлардан фойдаланган: *гувоҳ* – шохидлик ёки кўрсатма бераётган инсон; *гуруҳ* – одамлар тўдаси, оломон; *гадо* – гадой, тиламчи; *дастмоя* – дастлабки маблағ ва бошқалар. Форс тилидан ўзлашган баъзи сўзлар бугунги кунда истеъмолда бўлмаса-да, улар англатган тушунча бошқа лексемалар ёрдамида ифодаланиб келмоқда. Бундай сўзларга *кўй* – кўча ёки йўл, қишлоқ, маҳалла; *музд* – хизмат хақи, иш хақи; *деҳ* – катта қишлоқ каби лексик birlikларни киритишимиз мумкин.

Мўғулча ўзлашмалар. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асаридаги луғавий birlikлар тадқиқи давомида мўғул тилига оид *навкар*, *ясовул*, *қўшин*, *ясоқ*, *улус*, *суюрғол*, *тавочи* каби бир неча лексемалар қўлланганининг гувоҳи бўлди. «Мўғулча ўзлашмалар туркий тилларга, жумладан, эски ўзбек адабий тилига асосан XIII асрнинг 20-йилларидан, яъни Чингизхон бошлиқ мўғул босқинчиларининг Жанубий Сибирь ва Ўрта Осиёни забт этиш вақтидан эътиборан жадал кириб кела бошлаган»³. Асарда учраган сўзлар, асосан, ҳарбий иш ва ҳарбий санъатга боғлиқ. Мазкур ҳолатни Амир Темурнинг ўз кўшинига Чингизхон армиясида мавжуд бўлган ва ўша замон учун намуна ҳисобланган аскарый тизимни олиб кирганлиги билан изоҳлаш мумкин⁴. «Мажолис ун-нафоис» асарида *навкар* сўзи «аскар» маъносида қўлланган: «*Халқни ўз навкарлигига даъват қилиб хуруж қилур сўзин айтур эрди*» (36). Луғатларда *навкар* лексемасига қуйидагича таъриф берилган: «1. Мўғулларда

¹ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдли. – Тошкент, 1985. Ж.4. – Б. 124.

² Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1989. – С. 154.

³ Дадабоев Ҳ., Ҳамидов З., Холмонова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 38.

⁴ Қаранг: Дадабоев Ҳ., Ҳамидов З., Холмонова З. Кўрсатилган асар, 39-б.

жамоа тизими бузилиб, феодал муносабатлари ривожлана бошлаган даврда уруғ ва қабила бошлиқларининг дружиначилари. Бора-бора навкарлар йирик феодалларнинг вассаллари бўлиб қолганлар. 2. Навкарлар мўғул хонлари ва бекларининг шахсий соқчилари бўлиб, уларнинг турли хизматларини, масалан, отга миндириб-тушириб кўйиш, ўтовга кирганида наमतни очиб туриш ишларини бажарар эди. 3. Мунтазам бўлмаган кўшин, аскар, эл навкари, йигит. 4. Ўрта Осиёда хизматкор маъносида ишлатилган»¹.

III боб ««Мажолис ун-нафоис» асаридаги ижтимоий-сиёсий лексиканинг семантик-структур таҳлили» деб номланади ва у уч бўлимдан ташкил топган.

Биринчи бўлим аффиксация усули билан ҳосил бўлган лексик бирликлар таҳлилига бағишланади. Ижтимоий-сиёсий соҳага оид сўзларнинг семантик-структур тадқиқи давомида Навоий турли грамматик шакллардан моҳирона фойдаланганининг гувоҳи бўлди. Асарда, айниқса, аффиксация усули билан ҳосил бўлган ижтимоий-сиёсий соҳага оид сўзлар кўп учради ҳамда мазкур луғавий бирликларнинг лексик-семантик жиҳатдан бир неча гуруҳлари (турлари) аниқланди. Булар:

1. Шахс отларини ясовчи кўшимчалар билан ҳосил бўлган сўзлар. Маълумки, «шахснинг исми» ва «шахс билдирувчи сўз» маънолари «шахс оти» бирикмаси орқали ифодаланади. Мазкур бирикма лингвистик термин сифатида «шахс билдирувчи сўз» маъносида қўлланиши манбаларда ўз аксини топган². Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида шахс отларини ясовчи кўшимчалар ёрдамида ҳосил бўлган сўзлар турдош отлар ичида алоҳида ва катта бир гуруҳни ташкил этади. Масалан: асарда қўлланган ясама сўзлар таркибидаги *-чи* кўшимчаси қуйидаги типдаги шахс отларинининг ҳосил бўлишида иштирок этган:

– мусиқа асбоблари номларига кўшилиб, маълум турдаги мусиқа асбобларини чала оладиган мутахассис номини ифодалаш учун қўлланган: *танбурачи, гижжакчи, нақорачи*. Шунини таъкидлаш жоизки, ясалган сўзнинг аниқ маъноси меъёр билан белгиланади. Жумладан, *гижжакчи* сўзи [аниқ от] +

[-чи] қолипи асосида қуйидаги маъноларни ифодалашга хизмат қилиши мумкин: 1) гижжак ясовчи шахс; 2) гижжак сотувчи шахс; 3) гижжак чалувчи шахс ва ҳ.к.³;

– касб-ҳунар маъносини ифодаловчи сўзлар ясаган: «*Султон Маҳмуд – Хожя Мансурга қаробат бўлур, Хожя Шамсиддин Муҳаммад битикчининг ўғлидир*» (109). Асардан таҳлил учун олинган парчада «мактуб, хат, ёзув» маъноларини билдирувчи туркий *битик* сўзига *-чи* аффикси кўшилиб, котиблик иши билан шуғулланувчи шахсларга ишора қилинмоқда.

¹ Бекмухамедов Х.Тарих терминлари изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977.– Б. 110.

² Қаранг: Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаиш тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б.61.

³ Қаранг: Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 52.

Асарда, шунингдек, *-дор*, *-гар* каби форс-тожикча қўшимчалар иштирокида ҳосил бўлган сўзлар ҳам учрайди: *ҳукмдор*, *китобдор*, *кордгар*, *косагар*, *қўфтагар* ва б. Сўз яшашдаги фаоллиги диахрон аспектда мавжуд бўлган, муайян бир соҳа терминологиясида нофаол ҳисобланган *-дор* ёрдамчи морфемаси ижтимоий-сиёсий соҳада анча фаол қўлланган. Бунга мисол тариқасида *ҳукмдор*, *китобдор*, *таҳвилдор*, *муҳрдор*, *харидор*, *ҳаводор* сўзлари таҳлил қилинган. Айтиш мумкинки, *-дор* аффикси ёрдамида асосдан англашилган нарсалар-предметга эга ёки алоқадор бўлган шахс маъносидаги лексемалар ясалган.

2. Мавҳум от ясовчи қўшимчалар. Асарда қуйидаги қўшимчалар ёрдамида ҳосил бўлган мавҳум отлар қўлланганини кўришимиз мумкин:

-лық/ -лик/ -лығ/ -лиғ аффикслари. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида ясама сўзлар таркибидаги *-лық/ -лик// -лығ/ -лиғ* аффикси маҳсулдор сўз ясовчи қўшимчалардан бири сифатида намоён бўлади: *хашт-моллик*, *розалиқ*, *кордгарлик*. Охириги бўғинида лабланган унли мавжуд бўлган сўзларга қўшилганда лаблар ҳаракатига мослашган ҳолда, яъни лаб гармонияси талабига кўра бу аффикс *-луқ/-луғ* шаклида ҳам қўлланган: *бузуқлуқ*, *капанакпўшлуқ*, *киссадўзлуқ*.

Мазмунан *-лық/ -лик// -лығ/ -лиғ* ёрдамчи морфемаси билан маънодош бўлган араб тилидан ўзлашган сўзлар таркибида учровчи *-ат* аффикси баъзи манбаларда «каммаҳсул бўлган ёки айрим сўзлар таркибидагина қўлланган»¹ деб қайд этилган бўлса-да, «Мажолис ун-нафоис»да ушбу сўз ясовчи қўшимчанинг қўлланиш доираси бошқа аффиксларга нисбатан кенг. Мазкур аффикс сўзларга қўшилиб, унвон, мансаб, ҳукмронлик билан боғлиқ фаолият номини ифодалашга хизмат қилган: *салтанат*, *аморат*, *ҳукумат*, *вазорат*, *табобат* ва ҳ.к.

«Мажолис-ун нафоис» асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика тадқиқи шуни кўрсатдики, араб тилидан ўзлашган мазкур соҳага оид лексемаларнинг генеалогик жиҳатдан ясалишида феъллардан ҳосил бўлган ҳаракат номлари – масдарлар ва феъллик ҳамда исмлиқ хусусиятига эга бўлган сифатдошлар кенг қўлланган.

Ижтимоий-сиёсий соҳага оид тушунчаларни англантишга ёрдам берувчи **бириқма шаклидаги сўзлар** бобнинг иккинчи бўлимида таҳлилга тортилди. Бирикма шаклидаги сўзлар компонентлари таркибида айни соҳа луғавий бирликлар билан бир қаторда бошқа соҳага оид лексик элементлар ҳам иштирок этганлиги аниқланди. Шу сабабли бирикма шаклидаги сўзлар қуйидаги гуруҳларга ажратган ҳолда таҳлил қилинди:

а) иккала компоненти ҳам айни соҳага тааллуқли сўзлардан ташкил топган луғавий бирликлар: *қатл ҳукми*, *вазорат мансаби*, *ихрож ҳукми*, *аморат девони* ва б.;

б) аниқловчи компоненти ижтимоий-сиёсий соҳага оид сўздан, аниқланмиш компоненти эса турли соҳа лексик бирликларидан ташкил топган би-

¹ XV-XIX асрлар ўзбек тили морфологияси / Мухаррир: М. Ғ. Содиқова. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 52.

рикма шаклидаги сўзлар: *қазо маснади, васият дастури, вилоят улуги, валоят аҳли* ва б.;

в) аниқловчи компоненти турли соҳага оид сўзлардан, аниқланмиш компоненти эса ижтимоий-сиёсий соҳага оид лексемалардан иборат бирикмалар: *бурунги дастур, қўш девони, аъло маротиб* ва б.

Ижтимоий-сиёсий лексика таркибидаги изофали бирикмаларнинг турғунлашуви учинчи бобнинг якуний бўлиmidан ўрин олган. «Мажолис ун-нафоис» асарида асосан икки лисоний бирликнинг бирикишидан иборат бўлган арабча изофий бирикмалар қўлланган. Шунингдек, *ҳазрати муқарраби борий, салтанати азимуш-шоний, жамоати маволиваш эл* каби учта бирликдан, *ҳазрати маҳдумий шайхул исломи мавлоно Нуриддин* каби учтадан ортиқ бирликдан иборат бўлган камдан-кам учрайдиган изофий занжирлардан ҳам фойдаланилган.

Юқоридаги кузатишлар, мулоҳаза ва таҳлиллар умумлаштирилиб, диссертацияда тегишли хулосалар баён этилди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Тадқиқотнинг ушбу қисмида олиб борилган илмий изланиш натижалари умумлаштирилди ва унда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ижтимоий-сиёсий лексика жамият аъзоларининг меҳнат жараёнида, ижтимоий ишлаб чиқаришларда қатнашишларида, ўзаро муносабатларида, жамият ишларига фаол аралашувида, халқаро муносабатларда ва сиёсий жараёнлар туфайли шаклланади. Ижтимоий тузум, мафкураининг ўзгариши, жамиятнинг ривожини ижтимоий-сиёсий лексика тараққиётида муҳим ўрин тутди.

2. Ижтимоий-сиёсий лексиканинг мавзуй-семантик таснифида давлатчиликнинг тарихий асослари ва тарихий манбаларга, сўзларнинг контекстдаги маъноларига алоҳида эътибор қаратиш мазкур соҳа лексикаси кўламини белгилашда, тарихий лексика тадқиқида муҳим ўрин тутди.

3. Ижтимоий-сиёсий лексикага оид луғавий бирликларнинг частотасини аниқлаш уларни бевосита илмий равишда, чоғиштириб ўрганиш имкониятини яратади, муҳим илмий хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

4. Асарда қўлланган ижтимоий-сиёсий соҳага оид сўзларнинг айримлари фонетик вариантларда ишлатилган. Улардан баъзилари ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол қўлланилади. Шу билан бирга ушбу сўзларнинг асарда англаган маънолари ҳозирги ўзбек адабий тилида билдирган маъноларидан фарқ қилади.

5. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида учраган баъзи сўзларнинг контекстуал маъноси Навоий асарлари учун тузилган луғатларда келтирилган маъноларига мос келмайди. Ижтимоий-сиёсий соҳага оид баъзи сўзлар маъноси луғатларда акс эттирилмаган. Айрим луғавий бирликлар маънолари бир томонлама ёритилган.

6. Ижтимоий-сиёсий соҳага оид сўзлар лексик қатламининг катта қисми-ни араб ва форс тилидан ўзлашган сўзлар ташкил этади. Бу ҳолат мазкур тилларнинг ўрта асрларда тутган сиёсий ва ижтимоий мавқеи билан боғлиқ.

7. Ўзлашган қатлам турли лексик-семантик ҳодисаларда иштирок этган. Омонимия, синонимия, антонимиянинг ривожланишига ҳисса қўшган.

8. Асардаги ўзлашмалар ижтимоий-сиёсий лексикага оид аташ таркибини кенгайтирган ва ушбу соҳа синонимиясини шаклланишида муҳим восита ролини ўйнаган. Баъзи ўзлашмалар туб туркийча лексемаларни истеъмолдан сиқиб чиқаришга муваффақ бўлган.

9. Ўз қатламга мансуб сўзларнинг семантик-структур таҳлили уларнинг аксарияти аффиксация усулида ясалганини кўрсатди.

10. Ўзлашма қатламга мансуб сўзларнинг кўпчилиги синхрон жиҳатдан туб сўз ҳисобланса ҳам, этимологик таҳлил уларнинг аксарияти тарихан ясама эканлигини кўрсатди.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Исақова З. «Мажолис ун-нафоис» асаридаги нотикликка оид сўзлар // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2007. – № 1. – Б. 47-49.

2. Исақова З. «Мажолис ун-нафоис»да қўлланган икки сўз хусусида // Филология масалалари. – Тошкент, 2008. – № 1 (18). – Б. 68-71.

3. Исақова З. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асаридаги баъзи сўзларнинг луғавий таҳлили // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – Тошкент, 2007. – Б.108-109.

4. Исақова З. Айрим сўзлар хусусида // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2008. – № 6. – Б. 93-95.

5. Исақова З. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асаридаги ҳунармандчиликка оид баъзи сўзларнинг луғавий таҳлили // Ёш тилшунослар илмий-амалий семинари. – Тошкент, 2008. – Б. 47-48.

6. Исақова З. «Мажолис ун-нафоис»да таълим тизимида оид баъзи сўзлар ва уларнинг семантик-структур тузилиши // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2010. – № 2. – Б. 32-38.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
Исақова Зебо Муродовнанинг 10.02.01. – ўзбек тили ихтисослиги бўйича
«Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асаридаги ижтимоий-
сиёсий лексика» мавзусидаги диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: ижтимоий-сиёсий лексика, мавзуий гуруҳлар, лексик қатлам, этимология, диахрон ва синхрон сўз ясалиши, туркий қатлам, арабча ўзлашмалар, форсча-тожикча ўзлашмалар, семантик-структур таҳлил.

Тадқиқот объекти: Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари.

Тадқиқотнинг мақсади: «Мажолис ун-нафоис» асаридаги ижтимоий-сиёсий соҳага оид лексик бирликларни лексик-семантик таснифлаш ва тавсифлаш, луғавий қатламларни тадқиқ этиш, луғавий бирликларни семантик-структур жиҳатдан таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқот методлари: Мавзуни ёритишда тавсифий, қиёсий-тарихий ҳамда этимологик методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: «Мажолис ун-нафоис» асаридаги ижтимоий-сиёсий лексикага мансуб луғавий бирликлар мавзуий гуруҳларга ажратилган ҳолда кенг таҳлил қилинди; Навоий асарлари луғатига киритилмаган баъзи сўзлар аниқланди ва уларнинг луғавий маъноси таҳлил қилинди, генетик таҳлилига оид кузатишлар баён қилинди; контекстуал таҳлил натижасида Навоий асарлари луғатида мавжуд баъзи лексик бирликларнинг қўшимча маънолари аниқланди ва илмий далиллар асосида кўриб чиқилди; асардаги ижтимоий-сиёсий лексика грамматик жиҳатдан таҳлил қилинди; Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий лексикадан фойдаланиш маҳорати очиқ берилди. Жамиятдаги ўзгаришлар туфайли асар лексикаси таркибида юз берган семантик ўзгаришлар таҳлили амалга оширилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқотнинг назарий хулосалари ва материаллари ижтимоий-сиёсий лексиканинг шаклланиши, тараққиёти, тартибга солиниши каби масалаларни ёритишга, шунингдек, баъзи бир сўзларнинг лексик маъносида юз берган ўзгаришларни аниқлашга ёрдам беради, соҳавий луғатлар тузишда қўл келади. Шунингдек, мазкур материаллар тил тараққиётини диахрон аспектда ўрганаётган тадқиқотчилар илмий манба сифатида хизмат қилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертациянинг илмий хулоса ва натижаларидан олий ўқув юрти филология факультетларида ўзбек тили ва адабиёти бакалавриат йўналиши бўйича таълим олувчиларга «Тил тарихи» фани, «Ҳозирги ўзбек адабий тили» курсини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: лексикология, терминология, этимология, семантика, морфология, стилистика.

РЕЗЮМЕ

диссертации Исаковой Зебо Муродовны на тему: «**Общественно-политическая лексика в сочинении Алишера Навои «Маджалис ан-нафаис»**» на соискание учёной степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.01 – узбекский язык.

Ключевые слова: общественно-политическая лексика, тематическая группа, лексический пласт, этимология, диахронная и синхронная словообразования, тюркский пласт, персидско-таджикское заимствование, арабское заимствование, семантически-структурный анализ.

Объект исследования: сочинение Алишера Навои «Маджалис ан-нафаис».

Цель работы: лингвистический анализ и обобщение общественно-политической лексики в сочинении «Маджалис ан-нафаис» Навои.

Методы исследования: В работе использованы описательно-сопоставительный и функционально-семантический метод, также методы сравнительно-исторического и структурно-системного анализа.

Полученные результаты и их новизна: осуществлен широкий анализ общественно-политической лексики «Маджалис ан-нафаис»; выделены тематические группы; определены некоторые слова, не занесённые в словарь Навои и проанализированы их лексические значения; изложены наблюдения генетического анализа; в результате контекстуального анализа определены дополнительные лексические значения слов и рассмотрены на основании научных доказательств; осуществлён грамматический анализ общественно-политической лексики; раскрыто мастерство Навои в применении общественно-политической лексики; выявлены основные семантические изменения в лексике сочинения, обусловленные переменами в общественно-политической жизни общества.

Практическая значимость: теоретические выводы и материалы исследования позволят сделать некоторые обобщения, касающиеся усовершенствования и унификации лексики; могут быть использованы при разработке общих и частных проблем лексикологии; при составлении словаря языка произведений Навои, при создании учебных пособий, отраслевых словарей, а также в практике вузовского преподавания на филологических и исторических факультетах при проведении спецкурсов и семинаров. Также, эти материалы послужат научным источником для исследователей, изучающих развитие языка в диахронном аспекте.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования могут быть использованы при преподавании предметов «История языка», «Современный узбекский литературный язык» в направлении бакалавриата «Узбекский язык и литература» филологических факультетах высших учебных заведениях.

Область применения: лексикология, этимология, семантика, морфология, стилистика.

RESUME

Thesis of Isakova Zebo Murodovna on the scientific degree competition of the Candidate of Philology sciences, specialty 10.02.01 – «Uzbek Language» on the subject: «**Social and political vocabulary in work «Majalis an-nafais» by Alisher Navoi.**».

Key words: the social and political vocabulary, thematic group, lexical layer, etymology, diachronic and synchronic word-formation, general Turkic layer, Persian layer, Arabian layer, semantic and structural analysis.

Subject of the inquiry: the work «Majalis an-nafais» by Alisher Navoi.

Aim of the inquiry: linguistic analysis and generalization of the social and political vocabulary in the work «Majalis an-nafais» by Alisher Navoi.

Methods of the inquiry: the descriptive and comparative method and the semantic functional method, also the methods of the comparative historical and system structural analysis have been used in the work.

The results achieved and their novelty: broad research of social and political lexis of «Majolis an-nafois» was performed; thematic groups were underlined; some words that were not included in vocabulary of Navoi were identified and their lexical meanings were analyzed; observations of genetic analyses were expressed; extra lexical meaning of words were defined as a result of conceptual analyses and were studied on base of scientific proof; grammatical analysis of social-political lexis was performed; ability of Navoi in using social-political lexis was shown; main semantic changes in lexis of writings resulted from the changes in lexis of writings resulted from the changes in social-political life of society were determined.

Practical value: the theoretical conclusions and materials of the research can be a great help in such tasks as generation, development, orderliness of social political lexis and in the detection of changes have taken place in the lexical meaning of some words. Moreover, they can used in courses and seminars of philological faculties of bachelors and masters degrees of higher educational institutions and in making special sectored vocabularies. The materials of the research also can be of great use to other researches studying the development of the language in diachronic aspect.

Degree of embed and economic effectivity: the results of the research can be used in organizing theoretical and practical lessons in philology faculties on subjects as «The History of the Language», «Modern literal uzbek language» in bachelor courses.

Sphere of usage: lexicology, etymology, semantics, morphology and stylistics.

Тадқиқотчи:

Подписано к печати 31.03.2010.
Формат А5. Объем 1,5 п.л. Тираж 100 экз.

Отпечатано в минитипографии Управления делами АН РУз:
100047, Ташкент, ул. акад. Я. Гулямова, 70.